



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 7 декабрь, № 261 (8604)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚИРГИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

6 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғиз Республикаси Президенти Саидр Жапаров билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сўхбат аввалда давлатимиз раҳбари Қирғизистон Президентини таваллуд куни билан самимий қутлаб, унга мустақам соғлиқ, фаровонлик ва катта муваффақиятлар, қардош қирғиз халқига тинчлик-осойишталик ва раванқ тилади.

Мулоқотда икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди, бўлажак тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Етакчилар мустақам дўстлик ришталари, яхши ўшаничилик ва стратегик шериклик алоқаларига асосланган Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатлари бугун юқори суръатда ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Турли даражаларда фаол мулоқотлар ва самарали алмашинувлар давом этмоқда. Товар айирбошлаш ҳамжи ошмоқда. Машинасозлик, электротехника, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда қўшма кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон — Қирғизистон фондининг фаолияти доирасида 11 та истиқболли бизнес лойиҳаси молиялаштирилди.

Худудларо ва маданий-гуманитар ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Давлат раҳбарлари минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашиб, инфраструктураларини лойиҳаларни жадаллаштириш муҳимлигини таъкидладилар.

Ў.А.

Анжуман

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича конференцияси (COP28) доирасидаги парламент йиғилишида иштирок этди.

Парламентларо Иттифоқ ҳамда БАА Федерал миллий кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда атроф-муҳит ва иқлимнинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш, жумладан, углерод нейтраллиги, барқарор энергияга ўтиш ва мослашиш борасидаги саъй-ҳаракатларни амалга оширишда парламентлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда парламент мулоқоти учун инклюзив платформа яратиш, парламент аъзоларининг иқлим ўзгаришига қарши миллий ва халқаро микёсда кечиктириб бўлмайдиган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш, конвенция иштирокчилари мажбуриятларини амалий ҳақиқатга айлантириш масалаларига эътибор қаратилди, унда дунё парламентлари вакил-

лари халқаро ҳамкорлик ва иқлим ўзгаришига доир илғор тажрибаларни илгари сурдилар.

Олий Мажлис Сенати Раиси ўз нутқида иқлим ўзгариши Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг барча давлатлари учун салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини таъкидлаб ўтди.

Орол денгизининг қуриб қолиши ва унинг тубида 5,5 млн. гектардан ортиқ майдонда экологик ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқараётган шўрланган Оролқум чўли пайдо бўлиши бунга аниқ мисол бўла олиши таъкидланди. Шу боис БМТ Бош Ассамблеяси Орол фожиясини ҳозирги замоннинг глобал экологик муаммоси сифатида тан олганига иштирокчилар эътиборини қаратди.



ИНСОН МАНФААТЛАРИ УЛУГЛАНГАН ЮРТДА ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК БЎЛАДИ



Дарҳақиқат, Конституциямизнинг 2023 йил 30 апрелда умум-халқ овоз бериш йўли орқали янги тахирда қабул қилиниши ва мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳадаги ислохотлар мазмун-моҳиятига кўра инсонни улуғлаш, шаъни, қадр-қимматини ошириш ва халқ манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган олийжаноб мақсадларга бўйсундирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар замирида Конституциямизда ўз ифодасини топган энг асосий мақсад — давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фа-

Ўзбекистонда давлатнинг халқ иродасини ифода этиши, инсон манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъул эканликлари конституциявий тарзда мустақамланган устувор қоидалардан бўлиб, бу бизда давлат ҳокимияти халқ иродасидан келиб чиққанлигини ва унга бўйсундирилганлигини англатади.

ровонлигини кўзлаб, инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласи долзарб вазифа қилиб кўйилган.

Ўзбекистон Конституциясида мустақамланган асосий меъёрлар халқпарварлик, инсонийлик тамойилларига асосланган бўлиб, озод ва эркин юртимизда демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат бар-по этишга, фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларининг юзга чиқишига хизмат қилади.

Шу нуктаи назардан қараганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни, аввало, барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур" деб таъкидлаши бежиз эмас. Зеро, Конституциянинг ҳар бир моддасида халқ манфаатларига хизмат қилиш ва инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқариш тушунчалари ўзаро боғлиқ кетганки,

уларни бир-бирдан асло ажратиб бўлмайди.

Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса, аввало, одамлар билан, халқ билан мулоқотда бўлиш, уларнинг дарду таъшишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак. Бинобарин, одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очик мулоқотда бўлиш, оғирини енгиллаштириш — аҳолининг давлат ва жамиятга ишончини мустақамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси чинакам халқчил ва демократик ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, у тарихан синалган умумбашарий қадриятларни ўзида муҳасам этди. Ҳақиқатан ҳам, мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрат манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир.

Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг назик қуртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу аъналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркилиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга

Халқ манфаатларининг устуворлиги ва рўёбга чиқарилишини таъминлаш давлатимизнинг ва Конституциямизнинг энг асосий вазифаси ҳисобланади. Буни, аввало, Асосий Қонунимизнинг муқаддимаси ва бошқа таркибий қисмларида ўз ифодасини топган адолат, маънавият, ҳақиқат ва одиллик, миллий ахлоқий қадриятлар, умуминсоний ғоялар ва тамойиллардан яққол кўришимиз мумкин.

эришиш учун зарур шарт-шароит яратишдир.

Ўзбекистон Конституцияси яратилишида ҳам, такомиллаштирилишида ҳам энг ривожланган, тараққий топган демократик давлатларнинг тарихий тажрибаси ва жаҳон конституциявий амалиёти инобатга олинган. Конституциямиз, биринчи навбатда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қатор ҳужжатларига, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларига ва Ўзбек халқининг бой тарихий тажрибасига асосланган.

Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг маънавий, маданий мерос, миллий тафаккур, муқаддас исломий қадриятлар ва кўп асрлик ўзбек давлатчилиги тажрибаси ҳамда ҳуқуқий аъналарига асосланган ва бу ижобий ютуқларни ўзида акс эттиради.

Конституциямизнинг бир қанча бўлири ва моддалари ҳақиқий халқ демократизми руҳи билан сунғорилган. Масалан, 2-моддада айтилганидек, "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида

масъулдилар". 7-моддага биноан, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. 9-моддага биноан, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умум-халқ овозига — референдумга кўйилади.

Айниқса, 13-моддада Конституциянинг халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши эркин акс эттирилади. Унга биноан Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркилиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. 14-моддада кўрсатилганидек, давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади.



ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 31 йиллиги муносабати билан давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг амалий тасдиғи сифатида "Ҳазо мударратни ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасалари ва пробация органларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 334 нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 34 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 249 нафари жазони ўташдан мударратдан илгари шартли озод қилинди, 6 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 45 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг мударратлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 18 нафарини чет эл фуқаролари, 23 нафарини аёл, 15 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар ҳамда 88 нафарини тақийданган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этди.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

КОНСТИТУЦИЯ ЯРАТИЛИШИ ТАРИХИГА ДОИР КЕНГ ФОРМАТДАГИ ИЛК КЎРГАЗМА

Аввал хабар берганимиздек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Конституциянинг яратилиши тарихига бағишланган архив ҳужжатлари кўргазмаси ташкил этилди.

Тадбир

Мазкур тадбир Конституциявий суд, "Узархив" агентлиги ва Ўзбекистон Бадий академияси билан

ҳамкорликда мамлакатимиз тарихида илк бор ўтказилган кенг форматдаги кўргазма ҳисобланади.

Унинг очилишида депутатлар, сенаторлар, жоматчилик вакиллари, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчилари, бошқа дипломатик ваколатхоналар ходимлари қатнашди.

Кўргазма икки тарихий даврга бўлинган ҳолда ташкил этилди. Яъни биринчи бўлимдан 1992 йилда

Конституциянинг қабул қилиниши, иккинчи бўлимдан эса янги тахирдаги Конституциямизнинг яратилишига оид жами 100 га яқин экспонатлар — ҳужжатлар ва фотоматериаллар намойиш қилинди. Бу эса барчада бирдек катта қизиқиш уйғотди.



Дунё нигоҳи

Янги Ўзбекистоннинг келажагини Конституциямиз асосида биргаликда қураимиз

Шу кунларда мамлакатимизнинг Асосий Қонуни — Конституциямиз қабул қилинганнинг 31 йиллиги муносабати билан дунёнинг турли нуқталаридан Ўзбекистон халқи номига самимий қутловлар келяпти. Айни ҳоғда Ўзбекистондан олисда яшаётган ватандошларимиз ҳам ўз табриқларида юртдошларимизга самимий ва илиқ тилақларини билдирмоқда.

Улуғбек АБДУҚАЮМОВ, Пекин педагогика университети докторанти:

— Биз Хитойдаги ватандошлар билан мамлакатимизнинг муҳим саналарини байрам сифатида мунтазам кенг нишонлаймиз. Бош қомусимиз қабул қилинган кун ҳам биз ёшлар учун миллий фахр ва ифтихор туйғусини яна бир бор ҳис этиш имконидир.

Мен Хитойда иқтисодий йўналиши бўйича докторантура даражасида таълим оляпман. Илмий ишланшимиз Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги иқтисодий соҳасидаги муносабатлар ва уларнинг икки томон учун муҳимлигига қаратилган.

Мақсадим Хитой тажрибасидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон иқтисодий ривожига ўз ҳиссамни қўшиш.

Гулбахор ЖАЛИЛОВА, «Ватандошлар» жамоат фонднинг Эйнхovens шаҳри (Нидерландия)даги волонтери:

— Азиз юртдошларимизни 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун билан Нидерландияда яшаётган ватандошларимиз номидан чин қалбимдан табриқлайман.

Ватандан олисда бўлсак-да бизни ҳимоя қиладиган Конституциямиз борлигидан жуда фахрланамиз. Хорижда яшасак-да, Ўзбекистонимиз муҳофазасида эканлигимиз бизга янги марраларни эгаллашга куч бағишлайди.

Конституциямиз чет элдаги ватандошлар билан алоқаларни мустақамлаш ва ривожлантиришда, фаровон ҳаётимизни таъминлашда адолат тарозиси бўлиб хизмат қилмоқда.

Мен янгиланган Конституциямизнинг мазмун-моҳияти ва "Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг аҳамиятини халқаро тадбирларда кенг тарғиб этишга бор имкониятимни сафарбар қилишга тайёрман.

Фарангиз НАБИЕВА, Осиё ва Тинч океани технология ва инновациялар университети (Малайзия) талабаси:

— Малайзияда тахсил олаётганимга икки йилдан ошди. Аввало, ватандошларимизни Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганнинг 31 йиллик байрами билан чин қалбимдан табриқлайман.

Янги Ўзбекистон Конституциясида инсон, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда уларнинг кафолатлари аниқ ва равшан белгилаб берилган.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг барча моддалари фуқаролар манфаатларига хизмат қилляпти, айниқса, Бош қомусимизда ёшларнинг билим олиши, касб-хунар егаллаши, ўз иқтидор ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун яратилаётган имкониятларнинг ҳуқуқий асоси яққол ўз ифодасини топган. Янги Ўзбекистоннинг келажагини Конституциямизда белгиланган тамойиллар асосида биргаликда қураимиз.

«Дунё» АА.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталарида

ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталарида мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид бир қатор қонун лойиҳалари соҳа мутахассислари, экспертлар иштирокида кўриб чиқилляпти. Шунингдек, тегишли кўмиталар томонидан халқ вакиллари ҳамда сайловчилар фикр-мулоҳазалари ва тақлифлари инобатга олинган ҳолда айрим қонун лойиҳаларини янада такомиллаштириш устида қизгин иш олиб боришмоқда.

Дронлардан ноқонуний фойдаланганлик учун жиноий жазо чоралари енгиллаштирилмоқда

Учувчисиз учадиган аппаратлар мамлакат ҳудудига олиб кирилиши чекланган товарлар қаторига қиради. Уларни республика ҳудудига қонунга хилоф равишда олиб кириш, ноқонуний фойдаланганлик учун қонунчиликда жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, бунда уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Тахлиллар учувчисиз учадиган аппаратларни, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини қонунга хилоф равишда республика

ҳудудига олиб кириш ҳолатлари фуқароларнинг қонунчилик талабларини билмаслиги натижасида содир этилаётганини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, учувчисиз учадиган аппаратлар айрим соҳалар ва тадбирларда қўлланилиши фуқаролар орасида бундай мосламалардан фойдаланиш мумкин, деган янглиш фикрни уйғотмоқда.

Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳасида республика ҳудудига учувчисиз учадиган аппаратлардан ноқонуний фойдаланишни биринчи марта содир этган шахсларга нисбатан жиноий жавобгарлик ўрнига маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Бу каби ҳуқуқбузарликларни тақрор содир этганлик учун жиноий жавобгарлик жазо чораларини енгиллаштириш назарда тутилмоқда.



Киритилаётган нормалар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоясига, мамлакатимизга чет эллик сайёҳлар оқимини тобора кенгайтириш учун қулай шароитларни яратишга, пировардида эса давлатимизнинг халқаро майдондаги имижини янада яхшилашга хизмат қилади.


Қонун лойиҳаси сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида кенг муҳокамадан ўтказилган, Қонунчилик палатаси мажлисида депутатлар биринчи ўқишда кўриб чиққан.



ҚОЗОҒИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ЁЗГАН МЕМУАР АСАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ УЧУН АТАЛГАН НУСХАСИ ТОПШИРИЛДИ

6 декабрь куни Қозоғистон Республикаси Биринчи Президентининг матбуот котиби Айдос Укибай ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида ўтган учрашувда меҳмон давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга Қозоғистон Биринчи Президентининг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди. Шунингдек, Айдос Укибай Нурсултон Назарбоевнинг "Менинг ҳаётим. Қарамликдан озодликка" номли мемуарлар китобининг Ўзбекистон Президентига аталган ва муаллиф дастхати туширилган нусхасини топширди.



Тарихий жараёнлар ва шахсий муносабатни ўзида мужассамлаштирган китобда Нурсултон Назарбоев ўзининг ҳаётини, мамлакатнинг шаклланиши ва ривожланиши даври тўғрисидаги хотиралари билан ўртоқлашди. Республикага раҳбарлик қилган охириги ўн йилликлардаги воқеаларга баҳо беради. Китоб қаҳрамонлари орасида муаллиф сиёсий майдонда кесинган таниқли сиёсатчилар ҳам бор. Қозоғистоннинг Биринчи Президенти давлат ва ҳукуматлар раҳбарлари, бошқа машҳур шахслар билан муносабатларини таърифлади.

Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон етакчиси, "атоқли сиёсий арбоб Шавкат Мирзиёев"ни алоҳида қайд этади. Китобда давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилаётган ислохотлар юксак баҳоланган. Қозоғистон билан ҳар томонлама алоқалар янада жадал ривожлана бошлангани, Шавкат Мирзиёев Президент сифатидаги фаолиятининг илк кунлариданоқ қардош мамлакатлар билан ҳамкорликни мустақамлаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ў.СА.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ УЛУФЛАНГАН ЮРТДА ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК БЎЛАДИ

Конституциянинг янги таҳририда қабул қилинишида ҳам асосий масала инсон ҳуқуқ ва эркинларини таъминлаш ва кафолатлашдан иборат бўлди.

Жумладан, Конституциянинг 1-моддасида "Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат" деген белгиланиши айнан халқ иродасининг ифодасидир. Зеро, ҳуқуқий давлатда барча жараён қонуний асослар устига қурилади, давлат хизматчиларидан ҳуқуқ доирасида фикрлаш, масалаларга ҳуқуқий кўз билан қараш талаб этилади.

Қолаверса, ҳуқуқий давлатда барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлади, давлат ҳокимиятининг олий органлари ҳам қонунларга бўйсунди ва қонунларнинг муқаррар ижросини таъминлайди.

Ижтимоий давлат эса ҳар бир фуқарога муносиб турмуш кечирishi учун шарт-шароит яратиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бу — мавжуд ресурсларни ижтимоий адолат тамойиллари асосида тақсимлаш, жамиятда кучли табақаланиш авж олишига йўл қўймайлик, энг заиф қатламлар учун ҳам сифатли таълим ва тиббиёт кафолатланиши, самарали ижтимоий ҳимоя

дастурлари ишлаши, имконияти чекланган ва қўлловга муҳтож фуқароларни кўллаб-қувватлаш, адолатли меҳнат қонунчилиги ва жозибдор пенсия тизими кабиларни англатади. Оддийроқ айтганда, энг камбағал оиланинг болаларида ҳам соғсаломат ўсиб-улғайиб, яхши таълим олиб, фаровонликка эришиш имконияти бўлиши керак.

Дунёвий мамлакатда давлат ва дин бир-бирдан ажратилган бўлиб, давлат диний эътиқодидан қатъи назар, барча инсонларга бир хил муносабатда бўлади, диний эътиқодга қараб чекловлар ўрнатилишига ёки имтиёзлар берилишига йўл қўйилмайди.

Конституциянинг ўзида алоҳида қайд этилганидек, 1-моддадаги қоидаларни қайта кўриб чиқиш мумкин эмас. Бошқача айтганда, бу норма — Ўзбекистоннинг ҳеч қачон демократиядан воз кечмаслиги, ҳуқуқий давлатчиликка содиқлигини назарда тутди.

Конституциянинг 20-моддаси инсон ва фуқаролар манфаати йўлида янгиликларга яна бир мисол бўлиши мумкин. Унга асосан, эндиликда инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади. Бу шуни

англатадики, қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилмаган масалаларда зиддият юзага келса, масала давлат манфаатига эмас, инсон фойдасига ҳал этилади.

Юқоридагилар билан бир қаторда, янгилашган Конституцияга халқ манфаатлари йўлида инсон ҳуқуқларининг ҳимояси ва кафолатларини кучайтиришга қаратилган бошқа кўпга нормалар ҳам қўшилди.

Масалан, Ўзбекистонда ўлим жазосининг тақиқланиши (25-модда), агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги (28-модда), қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги (29-модда), ҳар ким ўз шахсига доир нотўғри маълумотларни тўзатилиши, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўпланган ёки



ҳуқуқий асосларга эга бўлмай қолган маълумотларнинг йўқ қилиниши талаб этиш ҳуқуқига эга эканлиги (31-модда), давлатнинг зиммасига интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш мажбуриятининг юклатилиши (33-модда) ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Ақбар ТОШҚУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси адлия вазири.

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗДА АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИ УСТУВОР

Ўзбекистонда олиб борилаётган тарихий ислохотлар ҳаётида қандай самара бераётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Айни чоғда янгилашари ва ўзгаришлар жараёнининг амалдаги натижалари дунё миқёсида ҳам эътироф этилаётгани Ўзбекистонимизнинг халқро нуфузи ва обрў-эътибори янада юксалишига хизмат қилмоқда. Агар қисқа муддатда мамлакатимиз дунё учун очик

давлатга айланиб, халқро муносабатларимиз сезиларли даражада мустақамланган бўлса, ички сиёсатда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш, шу жумладан, ҳар бир жаҳада адолат устуворлигини таъминлаш доимий эътиборда бўлиб келмоқда. Буни янги таҳрирдаги Конституцияимизда адолат тамойиллари кенг ўрин олгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Таҳлил

Бу ҳақда сўз юритишдан олдин Конституцияни янгилашга бўлган зарурат ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак, мақсадга мувофиқ. Нега деганда, бундан етти йил муқаддам мамлакатимизда барча соҳани шиддат билан ислоҳ этиш, янги Ўзбекистон ва учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга киришилганда, ҳуқуқий асосларни, хусусан, Конституцияни бугунги кун нуктаи назаридан қайта кўриб чиқишга эҳтиёж туғилди.

Даврнинг ана шу талабини теран илғаган Президент Шавкат Мирзиёев ушбу масалага янада аниқлик киритиб, "Конституцияни янгилашдек гоят муҳим, стратегик вазифани ҳал этишда етти марта эмас, етмиш марта ўйлаш" зарурлигини таъкидлади.

Шу тарихда мамлакатимизда конституциявий ислохотларга киришилди ва пировардида 65 фоизга янгилашган Бош қомусимиз 2023 йил 1 майдан эътиборан кучга кирди.

Янги таҳрирдаги Конституцияга инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси, шунингдек, суд ҳокимияти билан боғлиқ бир қатор янгиликлар киритилдики, буларнинг барчаси жамиятда адолат тамойиллари устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Маълумки, Ўзбекистонда 2008 йилдан бўлиб жазолар тизимининг ўлимга ҳукм қилиш қариб ташлангани, аммо бу ҳолат Конституцияда ўз ифодасини топпаган эди. Янги таҳрирдаги Конституцияда ўлим жазосининг тақиқланиши қатъий белгилаб қўйилгани Ўзбекистон бу ўта жиддий масалада ҳеч қачон ортага қайтмаслиги ҳамда инсонпарварлик гояларига ҳаммиса содиқлигини бутун дунёга намойён қилди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

Ган инсон ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминлаш ҳақида борар экан, Ўзбекистон инсонпарвар давлат сифатида ўз Конституциясида халқро институтлар — "Миранда қоидаси" ва "Хабас корпус" тамойилларига қатъий риоя қилганини алоҳида қайд этиш жоиз. Аниқроқ айтганда, янги таҳрирдаги Конституцияимиздан мустақам ўрин олган "Миранда қоидаси"га кўра, шахсни ушлаб туриш чоғида унинг ҳуқуқлари ҳамда ушлаб туриш асослари унга тушунарли тилда баён қилинади. Айни чоғда гумонланувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Айтиш жоизки, "Миранда қоидаси" гумонланувчининг, энг аввало, ҳуқуқлари батафсил тушунтирилиши назарда тутди. Сукут сақлаш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришнинг кўп тарқалган шакллари билан бирдир. Шу

маънода, ушбу институтнинг Бош қомусимизда ўз ифодасини топганлигини катта ютуқ сифатида баҳолаш мумкин.

Қолаверса, унда суриштирув, тергов ва суд жараёни, шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли таъминлашга қаратилган муҳим кафолатлар ҳам мустақамлаб қўйилган. Масалан, айбдорликка оид барча шубҳалар гумонланувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши, агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас. Шунингдек, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар, почта, электрон ва бошқа хабарлар сир сақланишини чеклашга ҳамда уй-жойда тинтув ўтказишга фақат суд қарорига асосан йўл қўйилиши, ҳар кимнинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатлангани ҳам янги таҳрирдаги Конституцияимизнинг муҳим ютуқларидан биридир.

Бундан ташқари, қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил суд ҳолида янгиликларни қайта қўйилмаслиги, озодликдан маҳрум этилган шахслар ўзига нисбатан инсоний муомалалар бўлиши ҳамда инсон шахсига ҳол бўлган шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга эканлиги, шахс судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги ҳам белгиландики, бу, албатта, инсонпарварликнинг юксак намунасидир.

Ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, улар мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилишга, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда ҳолис суд томонидан кўриб чиқишига оид нормалар киритилгани ҳам фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатларини ишончли таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Янги таҳрирдаги Конституцияимиз ҳақида фикр юритганда, унинг 15-моддасида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади" дея баён қилинган ҳам муҳим ўзгаришлардан бири бўлди, дейиш мумкин.

Нега деганда, бугунги кунда дунёнинг санокли давлатларида Конституция моддалари тўғридан-тўғри амалда қўлланади. Ўзбекистонда Конституция



Сирожидин ВОҲИДОВ олган сурат.

цияимизнинг тўғридан-тўғри амал қилиши фуқароларга нафақат қонунлар, балки бевосита конституциявий нормаларга асосланган ҳолда фаолият олиб бориш, хусусан, судга мурожаат этиш имконини бермоқда.

Бундан ҳам муҳими шундаки, бугунги кунда судлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишда тўғридан-тўғри янги таҳрирдаги Конституцияимиз нормаларига мурожаат этмоқда.

Бу, ўз навбатида, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, "Инсон қадрини ўзининг асосий қиймати" деб қарош, фуқароларда Конституцияимизга ишонч ва ҳурмат руҳини шакллантиришда муҳим асос бўлмоқда.

Бу борада Олий суд Пленуми томонидан 2023 йил 23 июнда "Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарор қабул қилинди.

Янги таҳрирдаги Конституцияимизнинг "Суд ҳокимияти" деб номланган XIII бобида суд ҳокимиятининг мустақиллиги, фаолияти, одил судловнинг амалга ошириш принциплари каби мезонлари қатъий кафолатланган. Янада аниқроқ айтганда, янги Ўзбекистон шариоитида суд ҳокимиятининг фаолиятини тўлиқ кафолатлайдиган замонавий ва демократик нормалар тўлиқ ўз ифодасини топган.

Президентимиз таъбири билан айтганда, янги таҳрирдаги Конституцияимиз судларни адолат кўргонига айлантиришда тўлиқ ҳуқуқий асос бўлади.

ҳуқуқий асослар яратилди. Шундай экан, ушбу масалани Конституция да-ражасида белгилаш орқали қандай қандай мақсад кўзда тутилган?

Гап шундаки, хусусий мулкка қаратилган улкан эътибор боис ушбу йўналиш сезиларли даражада ривожланди. Қолаверса, соҳа ривожига ҳалал бераётган муайян муаммолар ҳам кўзга ташлана бошлади. Шундай вазиятда соҳанинг қонунчилик асосини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда тақомиллаштириш, Конституцияда уни ифодалаш талаб этилди. Натига-жа бу борадаги тақлифлар асосида бир қатор нормалар киритилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларидаги тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши қатъий белгиланиб, давлатнинг қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳити таъминланишига доир қрида мустақамлашди. Бу билан мамлакат иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестицияни жалб этишни рағбатлантириш, инвесторлар ишончини мустақамлаш, тадбиркорлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли тарзда ҳимоялаш мақсад қилинган бўлиб, бунинг ҳаётини натижаларини бугун барчамиз кўрмоқдамиз.

Шунингдек, хусусий мулк дахлсизлигини кучайтиришда суднинг ўзинини белгилашга қаратилган янгиликлар ҳам эътиборга молик. Яъни мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари, суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмаслиги белгиланди. Бунга қадар суднинг қарорига асосланиш ҳақидаги норма мавжуд

дорларига суд кафолати ва уй-жойдан маҳрум этилганда компенсация олиш кафолати белгиланди. Суд кафолати уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи суд қарорисиз маҳрум этилишига йўл қўйилмаслигини англатади. Ушбу кафолат уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи мулкдор эрк-хоҳишидан қатъи назар, мажбурий тарзда бекор бўлаётганда қўлланилиши назарда тутилган. Суд томонидан мулк ҳуқуқи бекор бўлишига олиб келувчи ҳолатлар амалдаги қонун ҳужжатлари асосида объектив тарзда кўриб чиқилади. Албатта, мазкур тартиб мулкдор ҳар қандай ҳолатда асосиз равишда мулк ҳуқуқидан маҳрум этилмаслигига хизмат қилади.

Иккинчи кафолат эса мулкдорнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоясига йўналтирилган. Мазкур норма қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда уй-жойдан маҳрум этилган мулкдорни шу уй-жой ва етказилган зарар учун тенг қийматда компенсация олишини кафолатлайди.

Кези келганда айтиш керакки, фуқароларнинг ерга бўлган хусусий мулк кафолати Конституцияимизда илк мартаба мустақамланди. Мазкур нор-

мане янги таҳрирдаги Бош қомусимиздаги иқтисодий янгиликлардан бири ўлароқ кўрсатиш мумкин.

Кўриниб турибдики, янгилашган Конституцияимиздан ўрин олган ҳар бир нормада адолат принциплари устуворлик қилади. Эндиги вазифа эса ана шу нормалар ҳаётимиздан мустақам ўрин эгаллашни таъминлашдан иборат. Бу бошқа идоралар баробарида суд органларидан ҳам катта масъулият талаб этади.

Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу масала янгилашган Конституциядан ўрин эгаллаган. Бу борадаги янгиликлар, асосан, суд ҳокимияти ва судьялар мустақиллиги кафолатларига, судлар фаолияти ва суд тизимига, судьялар корпусини шакллантиришга қаратилган бўлиб, унинг негизиде "Инсон қадрини ўзига" гояси мужассамдир.

Судьяларнинг мустақиллиги кафолатлари сифатида судьялар фақатгина қонунга эмас, балки, энг аввало, Конституцияга бўйсунуши қатъий белгиланди. Шу ўринда судьялар муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмаслиги каби норма акс эттирилиши орқали суднинг мустақиллиги янада кучайтирилди.

Шуларга мос равишда давлат судьянинг ва унинг оила аъзоларининг хавфсизлигини таъминлашга масъул экани белгиланиши унинг дахлсизлиги кафолатларини мустақамлашга баробарида фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини янада оширади.

Асосий Қонунимизда Судьялар олий кенгаши билан боғлиқ қўшимчалар ҳам кўзда тутилган. Хусусан, Судьялар олий кенгашининг ҳуқуқий мақомига аниқлик киритилиб, у судьялар ҳамжамиятининг мустақил органи сифатида суд ҳокимияти мустақиллиги конституциявий принциплари риоя этилишини таъминлаш билан бирга судьялар корпусини шакллантиришга ҳам масъул этиб белгиланди.

Адолат принциплари ҳақида сўз кетаркан, Бош қомусимизга киритилган яна бир муҳим янгиликни айтиб ўтмасак бўлмайди. Фуқаролардан келиб тушган кўпга тақлифлар асосида Конституцияда "Адвокатура" номи билан аталувчи янги боб шакллантирилди.

Маълумки, судларда тарafdар тенглиги ва тортишув принциплари тўлиқ таъминланиши одил судловни адолатли ҳамда қонуний амалга оширишининг энг муҳим шартларидан ҳисобланади. Шу маънода, адвокататура институтига алоҳида боб ажратилиши катта воқелик, десак, муболага бўлмайди. Негаки, адвокатура мақоми Конституция даражасига олиб чиқилиши, унинг мақоми ва аҳамиятини янада оширади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялаш кафолатларини кучайтиради.

Бахтиёр ИСЛОМОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси.

Биз ва жаҳон



Лондон марказида ўзбек миллий таомлари ресторани очилди

Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрининг марказий кўчаларидан бирида ўзбек миллий таомлари тамаддиҳонаси очилди.

Ресторан ўзбек диаспорасининг фаол вакиллари томонидан Ўзбекистон элчихонаси кўмағида ташкил этилди.

Ўзбек миллий таомлари ресторани Лондоннинг энг машҳур ва гавжум ҳамда нуфузли кўчаларидан бири — шаҳар аҳолиси ва унинг меҳмонлари учун диққатга сазовор жой бўлган Пикадилли майдонидан жойлашган.

Янги тамаддиҳона Буюк Британия пойтахтидаги Ўзбекистоннинг ўзига хос рамзига айланиши кутилмоқда. Бу ерда хўрандалар, шунингдек, энг яхши ўзбек дизайнерлари томонидан яратилган миллий услублар билан танишиши мумкин. Унда кўплаб халқ амалии санъати намуналари, расмлар, миллий мусиқа асбоблари намойиш этилмоқда, улар шарқона таом муҳитини ҳам ўз ичига олган.

Ресторан ходимлари учун махсус тикилган кийимларда ўзбек миллий либослари элементлари акс этган. Таомномада эса палов, шўрва, манти, дўлма, қўзиқоқ, товуқ ёки аралаш

гўшдан тайёрланган ўнга яқин кабоблар ўрин олган. — Гастрономиясиз мамлакат йўқ. Ўзбек пазандчилиги таомларга бойлиги ва хилмаҳиллиги билан ажралиб туради. Анъанага кўра, шифобахш хусусиятларга эга бўлган палов махсус чўян қозонда баланд ва паст оловда бир неча соат давомда меҳр билан тайёрланган миллий таомдир, — дейди ресторан асосчиси Музаффар Содиков. — Палов одатда мол ёки қўй гўшти, гуруч, нўхат ва сабзидан тайёрланади. Самарқанд, Фарғона, Тошкент, Қашқадарё, Бухоро ёки Хоразмда паловга турли сабзавотлар ва зираворлар ҳам қўшилади. Байрам ва кундалик палов рецептлари ҳам мавжуд.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, Лондонга ҳар йили дунёнинг турли бурчақларидан 40 миллиондан зиёд сайёҳлар ташриф буюради. Сайёҳлар мамлакат иқтисодиётига қарий 36 миллиард доллар фойда келтиради.

«Дунё» АА.
Лондон

СИЁБ АРИФИ БЎЙИДА КЎРКАМ САЙЁХЛИК МАСКАНИ БАРПО ЭТИЛМОҚДА

Самарқанд шаҳридан оқиб ўтувчи Обираҳмат ва Сиёб ариқларининг атрофи тозаланиб, ҳудудда маҳаллий аҳоли ҳамда сайёҳларга мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун шароит яратилмоқда. Бу ишлар вилоят ҳокими таклифига кўра, бир гуруҳ тадбиркорларнинг ташаббуси билан амалга ошириляпти.

Ободлик

Мана, икки ойдан буён тадбиркорлар ўз маблағлари ҳисобидан Халқаро туризм марказидан бошланувчи 18 километрлик Сиёб ариқининг икки томонида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бормоқда. Жумладан, Обираҳмат, Хўжа Дониёр маҳаллалари аҳолиси, шунингдек, «SFX» қурилиш корхонасининг 100 га яқин ишчилари Хўжа Дониёр мажмуасидан академик Вохид Абдуллаев ҳудудни тозалаб, ариқнинг икки томонидан 4 метрлик вело ва пйёдалар йўлакларини қуриш ишларини якунлашди.

Мажмуа атрофидаги 400 метрлик девор-тўсиқ олиб ташланди. «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси асосида бутасимон ва ман-

зарали дарахт кўчатлари ўтказила бошланди.

— Тадбиркорларнинг ташаббус билан чиқиши барчага, жумладан, Хўжа Дониёр маҳалласи аҳлига ҳам маъқул келди, — дейди Хўжа Дониёр мажмуаси директори Зафар Маҳмудов. — Тўсиқлар борлиги туфайли кўпчилик сайёҳлар мақбарани тополмай, адашиб ўтиб кетарди. Девор олиб ташлангач, маҳалла аҳли ҳам ўз хонадонларининг ташқи кўринишига эътибор бермоқда. Бир нечта уй-меҳмонхоналар очилляпти.

Ҳашар йўли билан ободонлаштирилётган ҳудуддан 300 тонна атрофида маиший чикинди ташиб кетилди. Айни вақтда қурувчилар ариқ бўйларига чим ётқизиш, дарахт кўчатлари ўтказмоқда. — Икки километр масофага су-

ғориш тармоқлари тортилиб, 90 та тунги чирок, 50 та ўриндик ва темир панжаралар ўрнатилди, — дейди «SFX» МЧЖ иш бошқарувчиси Шерзод Алиев. — Йўлакларда 1,5 минг куб темир-бетон ишлари бажарилди. Қурилиш ишларига ҳалақит бермаслиги учун ер остидан ўтган 700 метр масофадаги табиий газ тармоқлари ер устига олинди. Шунингдек, икки қирғоқни бир-бири билан боғлаб турадиган 3 та кўприк қурилади.

Эътиборлиси, ободонлаштириш ишлари жараёнида Обираҳмат маҳалласидаги бирорта хонадон бузилмади. Фақат нуқулай жойлашган қўшимча бино ва деворлар баландроқ кўтарилиб, атрофи обод қилинди.

— Арча, мажнунтол каби дарахт кўчатлари ўтказиб, чим ётқиздик, — дейди корхона ишчиси Ҳасан Саймееров. — Ариқни тозалаш жараёнида ёпилиб кетган булоқ кўзлари ҳам қайта очилди шеклилли, эндиликда илгаригидек оқова эмас, балки тиниқ сув оқа бошлади.

Бу ерда ободонлаштирилдиган ҳудуд Самарқанд туманининг



Кўштамғали маҳалласидан бошланиб, Қайнама маҳалласигача бўлган масофани ўз ичига олади. Келгусида лойиҳаларга кўра, коллекторнинг икки қирғоғида енгил конструкциялар асосида дам олиш масканлари, боғлар барпо этилади, миллий таомлар ошхонаси ва хунармандчилик устахоналарини жойлаштирилади. Коллектор ёқалаб 4 та асосий кўчада пйёдалар йўлаги қилинади. Шундан кейин аҳолининг катта қўшничи кесиб ўтмаслиги учун 4 та туннель ҳам қурилади.

тижасида Самарқанд шаҳридан оқиб ўтувчи, бир пайтлар чиқинди босиб ётадиган канал ва коллекторлар тозаланиб, улардан зилот сув оқа бошлади. Атрофи обод масканга айланяпти. Аммо афсуски, кейинги пайтларда аҳоли томонидан каналларга яна чиқинди ташлаш ва канализация қурувларини йўналтириб қўйиш ҳолатлари кузатиляпти. Унутманг, ҳар биримизнинг сувга муносабатимиз ўзгармас экан, қилинаётган меҳнат сабрасиз бўлиб қолавермади.

Абдунасир ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»)

Мана шундай хайрли ишлар на-

Шифони энди олисдан излашга ҳожат йўқ

Тиббиётдаги ислохотлар самараси унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш, пировардида эса узоқ йиллар дардида олисдан даво излаган беморлар эндиликда ўзлари истиқомат қиладиган ҳудудда шифо топишлари имкониятини тўхфа этмоқда.

Тиббиёт

Навоий вилоятининг Нурота туманида шифокорлар Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг малакали мутахассислари иштирокида ўтказган мураккаб жарроҳлик операциясини ҳам шулар сирасига киритиш мумкин. Унда икки нафар беморнинг сон ва елка суякларини блокловчи юқори технологик амалиёт бажарилди.

— Ушбу амалиётни ўтказишни тақозо этган омил «қўшма шикастланиш» деб аталиб, автофалокат ва ишлаб чиқаришда олинган жароҳатларнинг натижасида юзага келади, — дейди травматолог Лазиз Омонов. — Бу шикастланишда беморларнинг аҳоли ўта оғирлашиши, узун найсимон суяклар, чанқок

суякларини ёки умуртқа погонасининг мураккаб синишлари кузатилиб, бу мураккаб операция юқори технологияни талаб этади. Кейинги уч-тўрт йилда ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларининг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланиши натижасида Навоий вилоятининг чекка ҳудудлари — Зарафшон, Хатирчи ва Қизилтепа туманларида ҳам қўшма шикастланиш бўлимлари очилган ва бугун улар қаторига Нурота тумани ҳам қўшилди.

Мазкур турдаги жарроҳлик амалиёти каминвазивлиги, яъни амалиёт ўтказилган беморда асоратларнинг кам учраши, ногиронликдан асраш каби самарадорлик, бу эса, ўз навбатида, инсоннинг фаол ҳаётга эрта қайтишига сабаб бўлади.

— Бир ҳафта олдин ўғлим мудҳиш автохалокатга учраб, энди уни қаерга олиб борсак, деган ташвишда эдик, — дейди Ҳусниддин Бегашов. — «Дард арийман деса, табиб ўз оёғи билан келади» деганларидек, фарзандимизнинг мушқули осон бўлди.

Хуллас, энди нуроталиклар ушбу турдаги амалиётлар учун даво истаб, вақт ва маблағ йўқотиб марказга боришлари шарт эмас. Ушбу юқори технологик амалиёт Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Навоий вилояти филиали мутахассислари билан «Устоз — шогирд» анъанасини сақлаб қолган ҳолда Нурота тумани тиббиёт бирлашмасида доимий ўтказилиши йўлга қўйилади.

Жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморларга келсак, айни пайтда улар шифокорлар назоратида бўлиб, ўзларини яхши ҳис қилмоқда.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»)

Сабзавотчилик

ФЕРМЕР БРОККОЛИ ЭКСПОРТ ҚИЛМОҚДА

Қамаши туманида фаолият юритаётган «Нурманова Хуршида» сабзавотчилик фермер хўжалиги томонидан бир неча йилдан буён брокколи етиштирилиб, ундан яхши даромад олиб келинаётган.

— Брокколи гулкарамнинг бир тури бўлиб, сервитамин ва парҳезбop сабзавотлардан ҳисобланади, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Шерзод Маҳматмуродов. — Манбаларга кўра, брокколини илк бор италияликлар истеъмол қила бошлаган. Тўғри, айни вақтда брокколи истеъмоли юртимизда унчалик оммалашмаган, лекин жаҳон бозорида жуда харидорлиқ.

Ўтган йили 2 гектар майдонда такрорий экин сифатида брокколи етиштирилган. Умумий ҳисобда 33 тонна ҳосил олиб,

маҳсулотни ташқи бозорга чиқарди. Жорий йилда эса 10 гектар ерга брокколи эдик. Ҳар гектардан 20 тоннадан ҳосил олдик. Бундан ташқари, тўксонбости усулида 20 сотих жойга тошқарма, яна шунча майдонга пйёз, саримсоқпйёз эдик.

Бу йил фермер хўжалигида 100 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Келгуси йилдан бошлаб мазкур микдорни бир неча баробар ошириш устида иш олиб борилаётган.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ («Халқ сўзи»)

РЕКЛАМА

Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» акциядорлари диққатига!

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини қақариш тўғрисида

ХАБАРНОМА (масофадан)

Сизни 2023 йил 28 декабрь куни соат 10:00 да масофадан туриб электрон овоз бериш хизмати <http://evote.uz> орқали бўлиб ўтадиган «Алоқабанк» АТБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишига таклиф этамиз.

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

- «Алоқабанк» АТБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
- «Shanghai Construction Group Co., LTD» (ХХР) ва «Алоқабанк» АТБ ўртасида 2019 йил 28 июнда тузилган АЛОQA/SCG-001-сонли қурилиш пудрат шартномасига қўшимча келишув тузиш тўғрисида;
- «Tashkent City» ХИМда сотилган 6-лот ҳудудида танланган ер майдонини бераз ажратиш ҳамда «Tashkent City» дирекцияси тасарруфига ўтказиб бериш тўғрисида.

«Алоқабанк» АТБ Кузатув кенгашининг 2023 йил 6 декабрдаги йиғилиши қарорига асосан акциядорларни навбатдан ташқари умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида **хабардор қилиш** учун реестрни шакллантириш санаси: **2023 йил 6 декабрь**. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида **иштирок этиш** ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри тузиладиган сана: **2023 йил 22 декабрь**.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш **интернет тизими орқали электрон овоз бериш хизматидан** (<http://evote.uz>) фойдаланган ҳолда **2023 йил 28 декабрь** соат **10:00 дан бошланиб 11:00 да** тўхтатилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига оид ҳужжатлар ҳамда кун тартибига киритилган масалалар юзасидан тайёрланган маълумотлар билан банкнинг www.aloqabank.uz корпоратив веб-сайти, <http://evote.uz> электрон саҳифаси орқали танишишингиз ёки info@aloqabank.uz электрон манзили бўйича сўров юборишингиз мумкин. Маълумот учун телефон: 71-232-83-67.

8

DEKABR

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KONSTITUTSIYASI

KUNI MUBORAK BO'LSIN!

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KONSTITUTSIYASI
КОНСТИТУЦИЯ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН
THE CONSTITUTION OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN

“QUANT” mobil ilovasi

- Uzcard, Visa, Humo kartalari o'rtasida pul o'tkazish
- Valyutani onlayn sotib olish
- Internetda kartalar, omonatlar va hisoblarni boshqarish

Хизматлар лицензияланган.

BIZ BILAN HAMMASI SODDA VA QULAY

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1241. 32 472 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетаник ҳақидаги маълумотларни оқиб олтиш учун QR-коддин телефоннинг орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; **қотилибт 71-259-74-53;**
эълонлар 71-259-74-55.

ISSN 0010-8788

Тахриратта келган қўламақлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетаник сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета тахриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетаник полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масуль. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Б. Малиёров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.38 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6